





ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИДА ҚАТНАШАДИЛАР


Бурундаги хуту элатига мансуб Палипехуту миллий озодлик гуруҳи раҳбарлари 20 сентябрь кунин Найробида бўладиган тинчлик музокараларида иштирок этишга розилик билдирди...

АМАЛДА БАЖАРИЛМАЯПТИ

Югославия ахборот вазири Горан Матич БМТнинг Косоводаги миссиясини Хаврсизлик Кенгашининг 1244-резолюциясини тўлалиги ба...

«ОСИЁ — 2000» КЎРГАЗМАСИ

Сянганда «Осиё-2000» сайёҳлик кўргазмаси очилди. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан келган тўрт юздан ортиқ компания ва фирма иштирок этмоқда...



Этишга туртки беряпти. Статистик маълумотларга қараганда, Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларига ўтган йили юз миллионга яқин сайёҳ келган...

ҲАР ҲИНА ЧИ ОДАМ...

Аваллари италияликлар кучли спиртли ичимликка кўпам ружу қўйишмаганди. Фақат спирт қушилмаган мусаллас истемол қилишарди...

Сўровда қатнашганларнинг деярли кўчилиги ёлғизликдан ва ҳаёт, турмуш қийинчиликлари оғирлиги бағдоши етмасдан ичкиликка ружу қўйганини тан олмақда...

КЕЛИШИШ ОЛИШДИ

Хиндистон Бош вазири Атал Бижари Важапай билан музокара ўтказганидан кейин, АҚШ Президенти Билл Клинтон томонлар оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик борасида ҳамкорликда тадбирлар ўтказишга келишиб олганини маълум қилди...

ди. Ўтган йил якунига нисбатан даромад олишдаги ўсиш 140 фоизни ташкил этади.

— Хўжалигимиз довуғини оширишда лағзи ҳалол деҳқонларимиз, сувчиларимиз, механизаторларимиз, бригада саркорларининг ҳиссалари кўп, — дея сўзида давом этди раис. Муқаддам Фозилова, Қундузхон Абдусатторова, Фотимахон Ортиқова ва уларнинг минглаб сафдошлари йғимтеримнинг ўтган қисқа вақтида мўмай даромад эгаси бўлдилар...

ДОВРУК

Андижон деҳқонлари азал-азалдан ташаббускор ва ишбилармон бўлишган. Катта йиғинларда, тўй-маъракаларда, мардларнинг беллашувларида бу юрт кишилари ҳамиша гапининг устидан чиқиб қолиб бўлганлар...

АЛП АНДИЖОН КЕЛЯПТИ



ҳақиқат. Олий Мажлиснинг учинчи сессиясида қатнашиб, бир олам қувончлар билан қайтиб келган Шаҳрихон туманидаги академик Т. Саримсоқов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Урмонжон Бозорбоев эришилган ютуқлар ҳақида шундай хўжа қилди...

АСАКАЛИКЛАР ЯНА ОЛДИНДА

Мисқоллардан хирмон пайдо бўлар, дерлар. Буни ҳамма—катта-кичик билар, дерлар. Барака бир чигитдадир, дейди деҳқон, чигитлардан пайдо бўлур улкан хирмон. Ҳаммамизни чорламоқда кенг пахтазор, Чанокларда яширинган ризқимиз бор...

ОЛТИНКЎЛНИНГ ОЛТИНИ

Олтинкўл... Чиндан ҳам бу гўша «оқ олтин» дийри. Олтинкўлликлар майдонга тушдимиз, тамом, маррага етмай пешқаламликини ҳеч кимга бермайдилар. Чунки, бу тумандан пахтачиликда ҳам,



бошлиқ бригадаси деҳқонлари туманда биринчи бўлиб зафарга эришилди. Навоий номли ширкат хўжалигининг Абдуҳалим Қодиров бошлиқ номдор бригадаси ҳам туманда биринчи қатори маррага етган. Улар 32 гектар майдондан 31 центнердан хирмон кўтардилар. Ҳосилдорликни 50 центнерга етказмоқчилар. Фозилжон Қўчқоров номли ширкат хўжалигидан Муясархон Болтабоева, Абдусалом Сотволдиевларнинг ибратли ишлари ҳар қанча мақтовга арийли...

ғалачиликда ҳам, пиллачиликда ҳам, чорвачиликда ҳам ўз намуна мактабига эга бўлган Сайфуддин Ашуров, Абдуқодир Исабоев, Абдусалом Абдуқодиров, Фозилжон Қўчқоров, Майрамхон Йўлдошева, Абдумалик Жақбаров, Абдуғани Йўлдошев, Мадаминжон Эгамбердиев, Мамажон Ҳамроев каби ишнинг кўзини билувчи дарғалар этишиб чиққан.

Биз Олтинкўл туманида бўлганимизда туман ҳокимида хўжаликлар раҳбарларининг кичик йиғилишига тўғри келдик. Таниқли пахтакор Мамажон Ҳамроев раҳбар бўлган «Намуна» ширкат хўжалиги йиллик режани барвақт бажарди. «Туркистон», «Иттифоқ», Навоий номли, Фозилжон Қўчқоров номли, «Маъшар», «Андижон» ширкат хўжаликлари ҳам галаба маррасини забт этиптилар. «Намуна» ширкат хўжали-

КЕНГ КўЛАМЛИ ТАДБИРЛАР

Хитой полицияси жиноий гуруҳлар томонидан ўяй-лаб кетилган аёллар ва болаларни қутқариш борасида жорий йилнинг апрелидан буён кенг кўламли тадбирлар ўтказиб келмоқда. Бунинг натижасида олти ой ичида 123 минг нафар ўяйланган одам уйига қайтарилди. Шунингдек бундай жиноятчилик билан шуғулланаётган кўплаб тудалар йўқ қилинди.

ХАБАР РАД ЭТИЛДИ

Ироқ ҳукумати АҚШ томонидан расмий Бағдод Кувайтга таҳдид солаётгани деган мазмунда тарқатилган хабарни рад этди. Мамлакат савдо вазири Муҳаммад Маҳдий Солиҳ бу хабар ҳақиқатдан ироқ эканлигини айтиб, Ироқ бирор қўшни давлатга таҳдид солмастлигини таъкидлади.

БЕМИНАТ ЁРДАМЧИ

Одамга садоқатли дўст ҳақида гап кетгудек бўлса, кўпчиликнинг хаёлига албатта ит келган бўлса ажаб эмас. Ҳақиқатан ҳам итларнинг инсонга садоқати ҳақида кўп эшитганмиз ва ўқиганмиз. Қуйида ҳикоя қиладиганимиз ҳам итнинг инсонга вақордорлиги ҳақида. Қисқаси, денгизчи Аллен Портон 1991 йили бахтсиз ҳодиса туфайли хотирасини йўқотди ва ўрнидан қўзғалолмай қолди. Етти йил турмуш ўртоғи қаради. Сўнг ўргатилган ит сотиб олди. Маана икки йилдирки, Алленнинг қорига шу ит ярамқанда, яъни Алленни погронлик аравачасида Эндол (итнинг лақаби) сайр эттиради. Уй эшикларини очиб-ёпади, лифтни «чақиради» ва Алленни пастгача олиб тушади. Ҳатто кружкада чой ҳам узатади. Эндолнинг оилага қувонч улашган жиҳати шундаки, у бир неча марта Алленнинг ҳаётини асраб қолди, яъни аравачада сайр қилиб юрганида Аллен катта кўчага чиқиб кетиб қол-



ган, шунда Эндол уни бир неча бор хавфсиз жойга олиб чиқишга муваффақ бўлган. Шунинг учун ҳам Тулуза шаҳри маъмурияти «Йилнинг энг яхши ити» ва ҳатто «Ас ити» деган унвон жорий этиб, уша унвонларни шу итга ҳадя этди.

ОДАМ-АМФИБИЯ ХИТОЙДА ЯШАЙДИ

Пекинда яшовчи 36 ёшли физкультура ўқитувачиси Чжан Цзян узок масофага сузиш бўйича қандажон рекордини ўрнатди. У Бохай буғозининг шимолдаги жанубий қисмида бўлган 123,5 километрик масофани 55 соат 22 минут давомида сузиб ўтди. Чжан сешанба кунини эрталаб Людун лрим оролидаги Лушун деган жойдан сузишни бошлаган бўлса, пайшанба кунини туш пайтида Шандун лрим оролидаги Пенлай қирғоғига — маррага етиб келди. Чжан аввалига жуда қийналди, яъни буғозда тулкин кучли бўлгани сабаб уч соатда атиги 1 километрга яқин масофани сузиб ўтди холос. Бунинг устига шўр сувдан оғзи кўриб, тили кичрайиб кетди. Лекин шундан у қароридан қайтмади. Негаки, узунлиги бўйича Хитойда кичкинчи ўрнида турадиган Бохай буғозидан сузиб ўтишни Чжан 1988 йилдан буён оро қиларди. Ушанда у Цюньжоу култинини (сузунлиги бўйича Хитойда учинчи ўрнида ишқол этганди) Тиньи-тиньичаган рекордчи эндиликда яъни 2012 йилда энг узун Тайван буғозини (140 километр) сузиб ўтмоқчи.

ВЕРТОЛЁТ ҲАЛОКАТИ

Шри-Ланка бандаргоҳ ишлари ва кенасозлик вазири Муҳаммад Ашроф ва унга ҳамроҳлик қилётган ўндан ортиқ киши вертолет ҳалокати туфайли ноҳуд бўлди. Хабарларга қараганда улар кетаётган «Ми-17» вертолетни Ампара туманидаги ўрмонга қулаб тушган. Ҳозирча ҳалокат сабаблари маълум эмас. Бироқ ҳукумат вакиллари вертолет «Тамил илама» озодлик йўлбарслари» айрмачи гуруҳи томонидан уриб туширилган бўлиши мумкинлигини тахмин қилмоқда. М.Ашроф Шри-Ланка мусулмонлари конгрессига раҳбарлик қилар, мажур партия унинг октябрда бўладиган парламент сайловига унинг ҳам номзодини кўрсатган эди. Фожиа эса у сайловчилар билан учрашиш учун Ампарага кетаётган пайтда юз берди.

КўЧМАС МУЛК — КЕТМАС ДАВЛАТ Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали 2000 йил 11 октябрь кунин соат 11.00да Тошкент вилоят ҳокимиятида ўтказилаётган наватбардаги аукцион савдога тақлиф этади. САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ: Бекобод туман Зафар кўрғони 2-зонада жойлашган сатхи 600 кв.м. бўлган 16 та ер майдони. Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган ер майдонлари, ишоотлар ва автотранспорт воситалари ҳам ушбу савдога сотилиши мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона. Тел: 133-28-52, Факс: 133-49-31.

